

ТОШКЕНТ НАҚИҚАТИ

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline

Haqiqat online

haqiqatonline_



QR-kod

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар изчиллигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг даромадларини ошириб бориш мақсадида:

1. 2023 йил 1 апрелдан бошлаб пенсиялар ва нафақалар миқдори 7 фоизга оширилсин.

2. 2023 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори – ойига 347 000 сўм;
ёшга доир энг кам пенсия миқдори – ойига 677 000 сўм;
ногиронлик пенсиялари, жумладан иш стажини тўлиқ бўлмаган чоғдаги ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори – ойига 747 000 сўм;

меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ва болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа миқдори – ойига 747 000 сўм;

1941–1945 йиллардаги уруш оқибатида ногирон бўлган шахслар ва унинг қатнашчилари, шунингдек, фашистлар концлагерларининг воёга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори устамаларни инобатга олган ҳолда – ойига 3 296 000 сўм;

Белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан (677 000 сўмдан) 747 000 сўмгача пенсия олувчиларнинг ёшга доир пенсиялари миқдори – ойига 747 000 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги фуқароларга бериладиган нафақа миқдори – ойига 535 000 сўм;

иш стажини тўлиқ бўлмаган чоғдаги ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда – ойига 535 000 сўм;
ўзгалар парварishiга муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парварishi билан банд бўлган боланинг қонуний вакилига бериладиган нафақа миқдори – ойига 535 000 сўм;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори – ойига 535 000 сўм этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун – 198 000 сўмдан қўшилсин;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори – ойига 535 000 сўм этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўлансин.

3. 2023 йил 1 майдан бошлаб бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори 7 фоизга оширилсин.

4. 2023 йил 1 майдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори – ойига 980 000 сўм;
базавий ҳисоблаш миқдори – ойига 330 000 сўм этиб белгилансин.

5. Белгилансинки:

бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақларини ошириш билан боғлиқ харажатлар – Ўзбекистон Республикасининг "2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини, шунингдек, айрим хизмат турлари бўйича тарифларни ошириш билан боғлиқ харажатлар учун ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан;

пенсиялар ва нафақалар миқдорларини ошириш билан боғлиқ харажатлар – Давлат бюджети ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

6. Мазкур Фармон талабларини бажариш учун талаб этиладиган қўшимча маблағлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети харажатларини ошириш ҳисобига молиялаштирилсин.

Иш берувчиларга иш ҳақи миқдорини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорини меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

7. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу Фармоннинг мақсади, вазифалари ва ундан қўйлаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб иқтисодиёт ва молия вазири Ш.Д. Қудбийев белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 28 март

Округ комиссиясида



РЕФЕРЕНДУМ УЧАСТКАЛАРИ ТЕГИШЛИ ТАРТИБ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

Нурафшон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш аввалида округ комиссияси раиси Улугбек Тўхтаев комиссия аъзоларига гувоҳномаларини топширди. Шундан сўнг кун тартибдаги ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Комиссия аъзолари фаолиятини самарали ташкил этиш, энг муҳими, референдум бўйича овоз берувчиларнинг билим ва кўникмаларини янада ошириш борасида сўз юритилди.

(Давоми 2-саҳифада) ▶



Баракалла!

Ўрта Чирчиқ туманининг "Халқобод" маҳалласида жойлашган "Umbrella" ўқув маркази ўқувчилари Дубай шаҳрида Ментал арифметика фанидан ўтказилган Халқаро олимпиадада фахрли ўринларни эгаллашди.

Жумладан, Жамшид Набиқонов 2-ўрин ва қумуш медаль, Молдир Яҳёева, Жанона Турсунбоева, Анвар Абдусатторовлар эса 3-ўрин ҳамда бронза медалларини кўлга киритишди.

Офарин, Достон!

Чирчиқ шаҳрида оғир атлетика бўйича мамлакат биринчилиги қизгин давом этмоқда. 73 кг вазн тоифасида ғолиблик учун супага чиққан 2021 йилги жаҳон чемпиони, Тошкент вилояти ўғлини Достон Ёқубов Ўзбекистон чемпиони бўлди.



Кун Тасвири

НУРАФШОН шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиника ходимлари "Янгиобод" маҳалласи аҳолисини тиббий кўриқдан ўтказишди. 72 нафар фуқарога аниқланган касалликлари бўйича амалий ёрдам ва тиббий маслаҳат берилди.

ТОШКЕНТ тумани маҳаллаларида муборак Рамазон ойи муносабати билан маҳалла раислари бошчилигида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакиллариغا ифторлик дастурхони ёзилмоқда.

ЯНГИЙЎЛ шаҳар ҳокими Ф. Мирзаев тегишли масъуллар ҳамроҳлигида 9-, 11- ва 13-умумтаълим мактаблари ҳамда ИХТисослаштирилган маданият мактаби ҳудудидаги ободонлаштириш ва кукаламзорлаштириш ишлари билан танишди.

ЎРТА ЧИРЧИҚ тумани ҳокими Ихтиёр Қосимов Хитой Халқ Республикасида ташриф буюрган инвесторлар билан учрашди. Музокаралар давомида туманда муқобил энергиядан фойдаланган ҳолда, кўш панеллари, шамол ва фотозлектр станцияларини ўрнатиш бўйича дастлабки оғзаки келишувга эришилди.

САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Президентимиз таъкидлаганидек, сайёҳнинг кайфияти туристларни қабул қиладиган ҳар қандай мамлакатнинг асосий бренди, яъни товар белгиси бўлиши керак. Агар одамлар бизнинг диёримизга яхши кайфият билан келиб, шундай яхши кайфият билан кетадиган бўлса, Ўзбекистонда туризм соҳаси мустақкам асосга қўйилган, деб айтишга ҳақимиз. Бунинг учун эса соҳада тадбиркорлик фаолиятини янада раванқ топтириш давр талабидир.



Маълумки, Тошкент вилоятида туризмни ривожлантириш, воҳада мавжуд салоҳият ва имкониятлардан тўла фойдаланиш юзасидан олиб борилаётган ишлар куламини ниҳоятда кенг.

Биргина 2022 йил давомида вилоятимизга 2 миллион маҳаллий, 200 мингга яқин хорижий сайёҳлар ташриф буюрган. Жорий йилда бундан икки баробар кўп маҳаллий ва хорижий меҳмонларнинг келиши кўтилмоқда.

Сайёҳлар оқимининг кўпчилиги бўйича Паркент тумани ҳам доим олдинги ўринларда юради. Бунга сабаб ҳудуднинг баҳаво табиати ва меҳмондўст одамлари бўлса ажаб эмас.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

Имконият

Минг нафар ёш ЕРЛИ БЎЛДИ

"Ёшлар дафтари" мавжуд муаммоларни ўрганиш, ёшлар таклифларини қўллаб-қувватлаш борасида самарали тизимга айланди. Айниқса, қишлоқ ҳўжалиги тармоқларида кўплаб йигит-қизларнинг бандлиги таъминланяпти.

Бу борада Тошкент вилоятида ҳам тизимли ишлар олиб борилмоқда. Шу кунгача вилоятда дафтарга киритилган йигит-қизларнинг 900 нафардан зиёда 30 сотихдан 50 сотихгача ер майдонлари ажратиб берилди.

Жумладан, Оққўрғон туманида 220 нафар, Бекобод туманида 213 нафар ёшга деҳқончилик учун e-auction платформаси орқали ер ажратиб берилди. Мисол учун, Бекобод туманининг Фарҳод номли маҳалласида ўтган йили 125 нафар ёш ер олиш масаласида онлайн танловда қатнашган



бўлса, шундан 85 нафари ғолиб бўлган. Ғолибларнинг 65 нафари "Ёшлар дафтари"дагилар. 26 ёшли Муҳриддин Зиебиддинов улардан бири.

– Ўтган йили икки марта аукционда қатнашиб, худудимиздаги 10 сотих ерни 10 йил муддатга ютиб олдим, – дейди Муҳриддин. – Онлайн савдони яхши тушунамсдим. Шунинг учун яхши инсонларнинг кўмагидан фойдаландим. Олган еримга қарам экиб, даромад тояпман.

– Оққўрғон туманининг "Гулистон" маҳалласида яшайман, – дейди

Адҳамбек Султонов. – 29 ёшдаман. Анча вақт ишсиз юрдим. Ер ажратилганидан хурсандман. Қизил ловия экмоччман. 40 сотихдан йилига икки марта ҳосил олиш режама бор. 20-30 миллион сўм даромад олишни мўлжалляпман.

Айни пайтда далаларда иш қизгин. Бошқа ёшлар ҳам берилган имкониятдан самарали фойдаланиш ҳаракатидалар.

Элбек ШОЙИМОВ,
Ёшлар ишлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси Ахборот хизмати раҳбари

Кун тартиби

Нурафшон шаҳрида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев раислигида ҳудудга оид долзарб бўлиб турган бир қатор масалалар таҳлил қилинди, масъуллар ҳисоботи эшитилди.

Дастлаб Президентимизнинг 2022 йил 10 сентябрдаги "Дехқон хўжаликлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси куриб чиқилди. Масала бўйича вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Х. Ниёзов ахборот берди. Унга кўра, вилоятда жами 16 минг 546 гектар майдон тарқатилиши белгиланган. Бироқ, Ўрта Чирчиқ, Паркент туманларида 60 гектардан, Янгийўлда 100 гектар ер майдонларини захирага олиб, деҳқон хўжаликларини ташкил этиш ва аҳоли даромадларини оширишга қаратилган топшириқлар бажарилмаётгани кескин танқид қилинди.

Мазкур туманларнинг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ҳоким ўринбосарларига нисбатан қатъий интизомий жазо ҳамда 3 кун муддатда муаммолар бартараф этилмаса, лавозимига лойиқлиги масаласи куриб чиқилмаган бўлди.



НАТИЖА УЧУН ИШЛАШ – БУГУННИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

Ҳозирги кунда аукцион савдолари яқунланган бўлсада, Қибрай туманида 115 та умумий майдони 94 гектар бўлган ер майдонларига талабгорлар аниқланмаган. Бу борадаги ишларни назоратга олмагани учун туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Х. Бекмуродовга "хайфсан" берилди. 890 та талабгорларнинг хоҳиш-истаклари инobatта олинмасдан, белгиланган маҳалларда ер майдонлари ижара асосида аукцион савдоларига чиқарилмагани учун вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси бошлиғи З. Йўлдошевдан тушунтириш хати олинди.

Шунингдек, лотларга бўлинган 8 минг 668 гектарнинг 5 минг 815 гектар (64 фоиз) майдонида голиблар аниқланган, холос. Бу борада Бўстонлик ишлар 5 фоизга бажарилгани кўрсатилмоқда. Юқоридагиларни инobatта олиб, Бўстонлик тумани ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари

Т. Рустамбоевни эгаллаб турган лавозимидан озод этиш тавсия этилди.

Вилоятда ипотека кредитлари асосида қурилаётган кўп қаватли уй-жойларни фойдаланишга топширилиши ҳамда уларга ипотека кредитлари чиқарилгани тўғрисида вилоят ҳокимининг қурилиш, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари Шуқрулло Махмудовнинг ҳисоботи тингланди. Унда бугунги кунда вилоят бўйлаб қурилаётган "Янги Ўзбекистон" массивларида кўп қаватли аҳоли хонадонларини қуриш ишлари режага нисбатан 44 фоизга бажарилгани қайд этилиб, кечикишига сабаб, пудрат ташкилотларининг молиявий ҳолати қониқарсизлиги айтилди.

Вилоятда "Яшил боғлар" ва "Яшил жамоат парклари"ни барпо этиш бўйича қилинаётган ишлар билан ҳам таништирилди. Қайд этилишича, ҳудуд бўйича 2022 йилда

64 гектардан зиёд ер майдонларида "Яшил боғлар" барпо этиш белгиланган эди. Амалда 65,8 гектар майдонда 40 минг тупга яқин манзарали дарахтлар экилди. Хусусан, 10 та ҳудудда 16 мингдан зиёд манзарали дарахт кўчатлари экилиши ҳисобига "Яшил боғлар" ташкил этилмоқда. Эндиликда Ангрен, Нурафшон шаҳарлари, Бекобод, Бўка, Бўстонлик, Қуйи Чирчиқ, Оҳангарон, Тошкент, Ўрта Чирчиқ туманларида 50 гектардан зиёд ер майдонларида "Яшил жамоат парклари" лойиҳаси амалга оширилади.

Йиғилишда маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари, хотин-қизлар фаоллари ҳамда профилактика инспекторларини маҳаллалар кўчаларига бириктириш тизимини жорий қилиш бўйича берилган топшириқлар ижроси таҳлил қилинди ва масъулларга зарурий кўрсатмалар берилди.

Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗА

РЕФЕРЕНДУМ УЧАСТКАЛАРИ ТЕГИШЛИ ТАРТИБ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Референдуми тўғрисида"ги Қонунининг 20-моддасига асосан туман-шаҳар ҳокимлари томонидан тақдим этилган референдум участкалари бўйича тақдимномалари округ комиссияси мажлиси муҳокамасига қўйилди.

Маълумот учун, 10-Тошкент вилояти округи бўйича

жами 958 та референдум участкалари ташкил этилади.

Шунингдек, округ комиссияси ҳузурида матбуот маркази ташкил этилиб, унинг аъзолари тасдиқланди.

Қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

10-Тошкент вилояти округ комиссияси матбуот маркази

ОКРУГ КОМИССИЯЛАРИ ТАРКИБИ ТАСДИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 2023 йил 23 мартда Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказувчи округ комиссияларининг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида тегишли қарорини қабул қилди.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказувчи 14 та округ комиссияларининг шахсий таркиби тасдиқланди.

Хусусан, 10-Тошкент вилояти округ комиссияси куйидаги таркибда тузилди:

10-Тошкент вилояти референдум ўтказувчи округ комиссияси

("Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг "Тошкенттелеком" Тошкент вилояти филиали биноси, Нурафшон шаҳри, Бобур кўчаси, 1-уй.
Телефонлар: (+998 55) 901-73-30, (55) 901-73-17, (55) 901-73-18, (55) 901-73-61)

Раиси

1. Тухтаев Улугбек Кидиралиевич – Тошкент вилояти Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Раис ўринбосари

2. Акбарова Фарид Шароимовна – Тошкент вилояти Қибрай тумани "Бўстон санаторийси" МЧЖ директори

Котиби

3. Турсунбаев Алим Саматович – Тошкент вилояти Нурафшон шаҳар 57-умумий ўрта таълим мактаби директори

Аъзолари

- Махмудова Дилафруз Тимуровна – Тошкент вилояти Мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи ўринбосари
- Шоисманов Дилшод Шоисманович – Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими бошқарув раиси
- Рахимова Замирахон Боиржоновна – Ўзбекистон кўзи оғирлар жамаияти Тошкент вилояти бошқаруви раиси
- Уралова Нигора Эркинбоевна – "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари муҳбири
- Шарафова Одина Баҳром қизи – Тошкент вилояти "Ижтимоий Ҳимоя" жамаияти раиси
- Юсупов Илбос Ходжиқабарович – Адвокатлар палатаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи
- Хафизов Кахрамон Хақимович – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент вилояти адлия бошқармаси Режалаштириш ва назорат таҳлил шўъбаси бошлиғи
- Исламов Соҳиб Яхшибекович – Тошкент давлат аграр университетининг Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори
- Югай Светлана Леонидовна – Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани "Корей маданият маркази" раҳбари
- Авазов Сардоржон Эркин ўғли – Тошкент давлат аграр университети Қишлоқ хўжалиги фитопатологияси кафедраси профессори
- Ахмедова Дилфуза Муталовна – Ўзбекистон "Қизил Ярим ой" жамаияти вилоят Кенгаши раиси в.в.б
- Эркинов Шахбозжон Шокир ўғли – Тошкент вилояти Молия бошқармаси "Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва даромадларни баҳорат қилиш" бўлими бош мутахассиси
- Жуманова Дилрабо Иномитдиновна – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент вилояти Кенгаши раиси вазифасини вақтинча бажарувчи
- Ахоров Жасур Давлатбоевич – Давлат кадастрлари палатаси Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи
- Мардиева Валерия Шамилевна – Нурафшон шаҳар 12-болалар мусика ва санъат мактаб директори
- Турсунбаев Нодир Алимджанович – "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Тошкент филиали директор ўринбосари
- Эралиева Зарифа Ашуровна – Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг вилоят бошқармаси бошлиғи
- Абдуқодиров Дилшодбек Мурод ўғли – Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги "Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази" техник хизмат кўрсатиш бўйича етакчи мутахассиси

Барча округ комиссияларининг тўлиқ таркиби Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинган.

Бўкалик масъуллар нега жазоланди?



Бўка туманининг "Янгибоғ" маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Музаффар Ҳайдаров болалиқдан I гуруҳ, турмуш ўртоғи эса II гуруҳ ногирони. Икки нафар фарзанди бор. Оила аъзолари асосан нафақа ҳисобига яшайди. М. Ҳайдаровнинг таъкидлашича, тикув машинаси учун субсидияга топширган аризаси маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси томонидан бир йил давомида турли баҳоналар билан судраб келинган. Шунингдек, бир ойдирки, аукцион орқали олинган 60 сотих ер майдони баҳорнинг бир ойи ўтаётган бўлсада, ажратиб берилмаган.

Мутасаддиларнинг турли хил ўйинларидан задал бўлган фуқаро вилоят ҳокимининг телеграм ботига мурожаат қилди. Унинг мурожаатини ўрганиш учун Нурафшон шаҳрида тегишли мутасаддилар иштирокида кескин муҳокама ташкил қилинди. Унда вилоят ҳокими Зойир Мирзаев иштирок этди.

– Аҳоли мурожаатлари билан ростгўйлик, ҳаққоний шаффоф принципларга мувофиқ иш олиб бориш, уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашга кўмаклашиш, хизмат вазифасига сидқидилдан ёндашиш – давлат номидан фаолият олиб бораётган ҳар бир шахонинг энг асосий мезони бўлиши лозим, – деди муҳокамада вилоят ҳокими.

Аниқланишича, фуқаро М. Ҳайдаровнинг мурожаати билан ишлашда Бўка туманидаги айрим мансабдорлар томонидан мана шу мезонлар кўп олинган бўлиши аниқланди. Хусусан, бу вазиятда Президентимизнинг 2022 йил 10 сентябрдаги "Дехқон хўжаликлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори талабларига риоя қилинмаган, аукцион орқа-

ли олинган ер ўз вақтида ажратиб берилмаган ҳамда сансалорликка йўл қўйилган.

– Шахсан танимаганим учун туман ҳокимлигининг умумий бўлим мудирини вилоят ҳокимининг ёрдамчиси, деб таништирган экан, – деди Музаффар ака. – Ёлгон ваъдалар билан шунча вақт алдаб келганига нима дейсиз?

Афсуски, маҳаллада фаолият олиб бораётган ҳоким ёрдамчиси вазиятни юмшатиш, фуқарога ёрдам бериш ўрнига, уни алдаб келган. Шу сабабли аукционда олинган ерга баҳорги экин экиш, ерни тайёрлаш кечиккан.

Муҳокамада масъулларга қилмишларига яраша тегишли жазо чоралари қўлланилди. Уч нафар мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Фуқаронинг мурожаати қондирилди. Бироқ бир ижтимоий Ҳимояга муҳтож инсоннинг асаби бузилгани, сарсонгарчилиги?

Бу муҳокама бошқа масъулларга ибрат бўлса, ажаб эмас. Зеро, юртимизда инсон қадри ҳар нарсадан устун.

Нигора УРОПОВА
/Тошкент ҳақиқати/
Нозим АБДУЛЛА олан суратлар



Сайёҳлик салоҳиятининг ЯНГИ ИМКОНИАТЛАРИ



Куни кеча бир гуруҳ оммавий ахборот воситалари ходимлари Паркентда бўлиб, сайёҳлик соҳасида амалга оширилаётган янгиликлар билан танишишди. Уларга ҳамроҳлик қилган вилоят ҳокимининг туризм масалалари бўйича ўринбосари Жамшид Бабажанов ҳамда туман ҳокими Шохруҳ Шоахмедовлар анжуман иштирокчиларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб беришди.

– Бугунги кунда вилоятда жами 968 та жойлаштириш воситалари мавжуд бўлиб, бир кунда 24 мингга яқин сайёҳларни қабул қилиш имконияти бор, – деди Жамшид Бабажанов. – Йил якунига қадар бу кўрсаткични 30 мингга етказиш режалаштирилган. 2022 йилда янги туристик маршрутларини ташкил этиш бўйича 140 та оилавий меҳмон уйи, 15 та хостел, 8 та меҳмонхона, 15 дан ортқ бошқа жойлаштириш масканлари ташкил этилди. Инвестиция ло-

ийҳаларини ўзлаштириш натижасида 56 та янги туристик масканлар фаолиятга йўлга қўйилиб, бу орқали мингдан ортқ янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, ўтган йили Оҳангарон туманидаги Эртотшош ва Овжасой қишлоқларида етарли инфратузилмалар шакллантирилиб, туризм қишлоғи мақоми олингани ҳудудларимизнинг сайёҳлик салоҳияти ошаётганидан далолат беради. Ҳозирда эса Паркент туманидаги "Чашма" маҳалласида туризм қишлоғини ташкил этиш мақсадида салмоқли ишлар олиб борилмоқда.

Журналистлар тумандаги "Замона Раёно" компаниясига қарашли "Rano Eco Village" дам олиш масканда ҳам бўлиб, шифобахш ўтлар билан даволанган мўлжалланган оромгоҳдаги шароитлар, сайёҳларнинг ташрифи бўйича маълумотлар олишди.

Ўз муҳбиримиз
Рашид ГАЛИЕВ
олган суратлар

Назорат

Хужжатсиз ускуналар тармоқдан узилди



Ўзбекистон Республикаси Радиочастоталар бўйича Республика Кенгашининг 2022 йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудда мобил алоқа тармоқлари сигналларини қучайтириб берувчи ретранслятор қурилмаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги қарорига асосан мамлакат ҳудудда ишлаб чиқарилган ёки хориждан олиб кирилган ва фойдаланиладиган ретранслятор қурилмалар белгиланган тартибда электромагнит мослашув нормаларига ва техник талабларга мувофиқлик бўйича сертификатга эга бўлиши, радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалар ишлашига салбий таъсир кўрсатмаслиги, ретранслятор қурилмаларининг техник тавсифлари радионурлангиш параметрлари учун белгиланган стандарт ва меъёрларга мос келиши, чиқиш қуввати 500 мВт. дан ошмаслиги белгиланган. Ушбу нормалар ижроси қай даражада таъминланаётганини ўрганиш ва радиоҳалақатларнинг олдини олиш мақсадига “Ўзкомназорат” инспекциясининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими ходимлари томонидан мониторинг тадбири ўтказилди.

Жараёнда вилоятимиз ҳудудда 6 та ретранслятор (репетер) қурилмалари тегишли хужжатларсиз ўрнатилиб, ишлатилаётгани аниқланди. Қурилмаларни ишлатиётган фуқароларга тегишли рухсатномасиз юқори частотали қурилмаларни ишлатиш радиоҳалақат хосил бўлишига олиб келиши тушунтирилди

ва ретрансляторлар тармоқдан узилди. Шунингдек, тегишли хужжатлар расмийлаштирилгандан сўнг ишлатиш тўғрисида огоҳлантириш берилди. Уз навбатда, фуқароларга белгиланган тартибда электромагнит мослашув нормаларига мувофиқлик бўйича сертификатга эга бўлган қурилмалардан фойдаланиш тавсия этилади. Вилоят ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган, сотувда бўлган ва ишлатилаётган, мобил

алоқа таянч станцияларининг фаолияти учун радиоҳалақатлар келтириб чиқарувчи ва мобил алоқа хизматлари сифатига салбий таъсир кўрсатувчи ускуналардан фойдаланилса, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда чора кўрилади.

Камолиддин ТУРҒУНОВ,
“Ўзкомназорат” инспекцияси Тошкент вилояти ҳудудий бўлими бошлиғи

Тошкент вилояти ИИББ ЖҚБ ходимлари томонидан ўтказилган навбатдаги назорат тадбирида савдоси чекланган 2 минг дона дори воситаларини Ўзбекистонга олиб кирган Қозоғистон фуқароси далилий ашё билан ушланди.

ПСИХОТРОП ДОРИЛАР МУОМАЛАСИГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ



дори воситалари сотиш мақсадида сақлаб келинаётгани аниқланиб, далилий ашё сифатида олинди.

Шундан сўнг, тезкор тадбир давом эттирилиб, бу аёлга дори воситаларини етказиб бераётган таъминотчи ҳам Ўзбекистон ҳудудига “товар” билан кирган вақтида ИИББ ходимлари томонидан қўлга олинди.

Аниқланишича, 1989 йилда туғилган Э.У. (Қозоғистон Республикаси фуқароси) 2 минг қути ёки 72 минг дона таркибда кучли таъсир қилувчи модда бўлган (Ўзбекистонда савдоси тартибга солинган) дориларни яширин равишда давлат чегарасидан олиб ўтган. Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг тегишли моддаси (кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш) билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Вилоят ИИББ Гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш бўлими ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан виллоятнинг Зангиота туманида навбатдаги назорат-рейд тезкор тадбири ўтказилди. Тадбирда 1989 йилда туғилган фуқаро Г.Д. (аёл)нинг яшаш хонадонини холис равишда текширишда кўздан кечирилган. Натижада уй ичи ва ҳовлидаги автомашинада қора бозордаги нархи 200 миллион сўмга тенг бўлган 15 қўлга олинган дона кучли таъсир қилувчи

Тезкор тадбир давомида 20 хилга яқин турли ном ва қўринишдаги, жами 108 минг 696 дона таркибда кучли таъсир қилувчи модда ёки уларнинг аналоглари бўлган дорилар муомалага киритилишининг олди олинди.

Абдулазиз МУСАЕВ

СПОРТ янгиликлари

“КАТТА ДУБУЛҒА” ДАН УЧТА МЕДАЛЬ

Тбилисида дзюдо бўйича “Катта дубулға” турнири ўз якунига етди. Дунёнинг кўп-кўп давлатлари дзюдочилари қаторида ҳамюртларимиз ҳам чемпионлик учун татамига чиқдилар.

Қизилқорли ва мурасасиз ўтган турнирдан Ўзбекистон тарма жамоаси аъзолари биттадан олтин, кумуш ҳамда бронза медаллар билан қайтишди.

Хусусан, мусобақанинг сўнгги кунда +100 кг. вазн тоифасида ҳамюртимиз Шохруҳ Бахтиёров учинчи ўрин учун кечган баҳсда словачиялик Мариус Физелдан устун келиб, бронза медалини қўлга киритди.

Эслатиб ўтамиз, бунгача Диёра Келдиёрова (-52 кг.) олтин, Обидхон Нумонов (-73 кг.) кумуш медал билан тақдирланган эди.



НАВБАҲОР – ЯРИМ ФИНАЛ ҒОЛИБИ

Ҳиндистон пойтахти Нью-Дели шаҳрида аёллар бокс бўйича жаҳон чемпионати ўз якунига етди. Унда иштирок этган Ўзбекистон тарма жамоаси аъзоси Навбаҳор Ҳамидова бронза медали билан тақдирланди.

-66 кг. вазн тоифасида иштирок этган ҳамюртимиз чорак финалда жазоирлик Иман Хелифга имкониятини бой берган эди. Бироқ, кейинчалик жазоирлик боксчи дисквалификация қилинди ва унинг ўрнига Ҳамидова ярим финалчи сифатида қайт этилди.

Шу тариқа, боксчи қизларимиз кетма-кет иккинчи бор дунё биринчилигини медал билан яқунлашмоқда. Эслатиб ўтамиз, бундан аввал Туркияда ўтган ЖЧДА ҳамюртларимиз 2 та бронза медалига сазовор бўлишган эди.

АТЛЕТЛАР ЧИРЧИҚДА БЕЛЛАШИШМОҚДА

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети манежида оғир атлетика бўйича ёшлар ва катталар ўртасида республика чемпионати давом этмоқда.

Мазкур чемпионатда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан 300 нафарга яқин атлетлар ғолиблик учун беллашмоқда.

Дастлабки куни Чирчиқ олимпия ва паралимпия спорт турлари тайёрлаш маркази атлетлари анча фаол бўлишди. Хусусан, 61 кг. вазнда Имриддин Ражапбоев умумий 253 кг. тошни ўзига бўйсундириб, ёшлар ҳамда катталар ўртасидаги баҳсларда олтин медалларни қўлга киритди.

Шунингдек, 67 кг. вазн тоифасида Миркамол Ҳошимов 275 кг. билан ёшлар ўртасидаги баҳсларда кумуш, катталар ўртасидаги баҳсларда бронза медалга эга чиқди.

Чемпионат 1 апрелга қадар давом этади.
Сухробжон САДИРОВ
Тошкент ҳақиқати/ тайёрлади

Сўраган эдингиз

– Кичик тадбиркорларга 50 миллион сўмгача гаровсиз кредит берилиши ҳақида маълумот тўғрисида? **Муҳаббат НИЗОМОВА**
Янгиёул тумани

Саволга Тошкент вилояти Адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси Бахавуддин САЛАЕВ жавоб беради:

– 2023 йил 31 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди.

Унга кўра, маҳаллаларда кичик бизнес ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, ёшлар ва хотин-қизларнинг даромадли меҳнат билан банд қилишни давом эттириш мақсадида 2023 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аввал кредитлардан фойдаланмаган аҳоли ва тадбиркорларга гаровсиз кредитлар ажратиладиган бўлди.

Бунда, деҳқон хўжалиқлари ва кичик тадбиркорликка 50 млн. сўмгача гаровсиз кредит берилди. Ҳоким ёрдамчисининг тавсиясига кўра, кредит суммасининг 10 млн. сўмгача бўлган қисми (хунармандлар учун 20 млн. сўмгача) банк карталарига (нақдлаштириш имкониятини чеклаган ҳолда) ўтказилди.

Дастурлар доирасида кредитларни йиллик 14 фоиз ставкада ажратиш тартиби сақлаб қолинади.



– Қизим магистратуранинг қишки қабулида ўқишга кирди. Президентимизнинг фармонларига кўра, магистратурага кирган хотин-қизларнинг контракт пуллари тўлаб берилиши ҳақида ўқигандим. Бу амалиёт қишки қабулда кирганларга ҳам қўлланиладими?

Инобат РАСУЛОВА
Олмалик шаҳри

Саволга Тошкент вилояти Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Аббосжон МАҲАМАДЖОНОВ жавоб беради:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, давлат ОТМ магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт-тўловлари қайтариш шартсиз қўллаб берилиши белгиланган.

Мазкур тартиб магистратурага қишки қабулда тўлов шартнома асосида ўқишга қабул қилинган хотин-қизларга ҳам бирдек амал қилади.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хабарига кўра, магистратурага тавсия этилганлар ушбу имтиёздан фойдаланиш мақсадида ОТМ раҳбариятига ариза билан мурожаат қилишлари мумкин.

Ажаб савдолар

Маккор овчи ва БЎРИВАЧЧАЛАР

Ўлжас Сулаймоновнинг “Маккор овчи” шеърисида ов манзараси жуда ғаройиб тасвирланади. Овчи отган бўри чўлоқланганча, оппоқ қорларда қон томчиларини қолдирган тарзда ўз уяси сари қоцади. Овчи уни орқароқдан таъкиб қилиб боради. Нияти – бўрини ҳолдан тойдириб, кейин терисини шилиб олиш, овулдагиларга кўрсатиш.

Ярадор бўри уясига етиб келганида тамоман чарчайди ва оч болалари сийнасини сўришга тушган пайтида жон беради. Бўриваччалар сутли сийнанинг хасис бўлиб қолганидан ҳайрон бўлган пайтлари, жароҳатдан оқётган



қонни сезиб қолишади. Улар шу пайтгача қон нималигини билишмасди. Талашиб-тортишганча оналари қонини ялаб, сўра бошлайдилар. Қон билан бирга уларга нафрат ва дунёга душманлик, қасос туйғуси ўта бошлайди.

Овчи қараса, бўрининг болалари онасининг қонини сўрмоқда. Ҳам тери, ҳам бўри болаларига эга чиқиш катта ўлжа бўлиши мумкин эди. Аммо, овчи ақлли. Бу бўриваччалар келажакда ўта қонхўр бўриларга айланмишади. Энди улар йўлида учраган ўлжадан тап тортишмайди, ҳатто бир-бирларининг ҳам бўғиздан оладиган, ўз қавми учун овчилардан кўра даҳшатли қотилларга айланмишади. Нафратга банди бўлган ўлжанинг эса сира ҳам кераги йўқ, ўзлари ўзларини йўқ қилаверсин!

Утмишининг жароҳатларидан нафратнигина сўрадиган кишилар, аввало, ўз қавмлари учун хатарлидир. Уларнинг кучи ташқи душманларга етмайди. Шу сабабли ҳам ўз қавмидагилар билан олишиб, гоҳ паст келиб, гоҳ баланд келиб, тоғларида юрaverишади...

Ҳа, ўша овчи ақлли бўлибгина қолмай, жуда ҳам маккор эди – у ҳаётдан таълим олганиди, китобларданмас.

Урушнинг СЎНГГИ АСИРИ

Интернетда бир сурат тарқалди. Бир япон аскари уруш пайти Манжуриянинг қалин ўрмонларига кириб кетиб, партизанлик қилиб юрган экан. Топганини еб, қишлоқларга тунда ўғрилиққа тушиб, овчиларнинг чайларидан ризқ топиб, шу тақдир 28 йил яшади. Дунёга қарши “совуқ уруш”ни мана шу аскар олдинроқ бошлаб юборган экан...

Охири уни тутиб олишди. Асир аскар телевизор, ракета ва бошқа кўпжа янги нарсаларга кўзи тушиб, анграйганча йиғлаб юборди. Уни ўзига келиб олгач, Японияга – оиласи бағрига жўнатворишди – шундоғам таъзини еганиди ва бир томондан омади ҳам келганиди. Шунча йил яширинмай, асирга тушиб кўя қолганида, камда бир-икки йилда оиласи бағрига қайтарди, қанчадан-қанча ўзгаришларга гувоҳ бўларди. Шунча пайт партизанлик қилганча ўзига қарши уруш қилиб юрган экан.

Бу аскар бизларнинг кўпчилигимизга ўхшаб кетади. Нафсимиз тўқайзорида партизанлик қилганча, аτροφдаги ўзгаришлардан беҳабар қоламиз.

Бир куни қарасак – йиллар ўтиб кетибди...
Оллоёр ХУЖАНДИЙ





Varragim

**Bo'lmasa ham parraging,
Balandroq uch, varragim.
Burgutlarni cho'chitvor,
Bulutlarni qo'zg'atvor.
Uchrab qolsa samolyot,
Uni bir oz chetlab o't.
Mayli qilgin murosa,
Samolyot qimmat narsa.**

Anvar OBIDJON



1. Танангиздан саксон фоиз заҳарли моддалар чиқиб кетади.
 2. Ошқозон ости беги катта ҳажмда ишлайди. Шу сабаб қандли диабет касаллигига чалиниш саккиз ойга орта сурилади.
 3. Мия никотин моддасидан халос бўлади. Бу нарса чекишни ташлашга ёрдам бериб, танани кофеин моддасидан халос қилади.
 4. Қаришни уч ой орта суради. Бунга қўшимча равишда ҳужайраларни тозалайди.
 5. Рўза танадаги қариётган барча ҳужайраларни, айниқса, иммунитет ва қон айланишда муҳим бўлган ҳужайраларни ҳимоя қилади.
 6. Рўза узок муддат ишлаб келаётган ҳужайраларга дам бериш орқали уларни янгилаб, тартибга келтиради ва таркибда носоглом бўлганларини чиқариб юборади.
 7. Рўза буйракни ювади. Шунингдек, жигар, қонни айлантириш ва ички заҳарли моддаларга барҳам бериш учун танани тайёрлайди.
- Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Рўза тутинглар, соғлом бўласизлар", деб айтганлар.

Нега шундай деймиз?

Арғамчига қил – қувват

Арқон нукул жундан қилинсан, мўрт бўлади, салга узиллиб кетади. Шунинг учун жунга озорқ қил (отнинг ёли ёки думидан) аралаштириб эшадилар. Шу озгина қил ҳам арғамчини пишиқ ва бақувват қилади. Мажозий маъноси: "Қийналиб, муҳтож бўлиб турган одамга озгина ёрдамлашиб юборсанг ҳам, унга анча қувват бахш этган бўласан, у сенинг шу озгина ёрдаминг билан ҳам ўзини унглаб олиши мумкин".

Меҳроби бузилса, масжиди қолар

Меҳроб – масжид ичида унинг қибла томонидаги таҳмонга ўхшаш жойи (намоз шу томонга қараб ўқилади). Бу билан "Дунёда ҳеч нарса исзис, ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетмайди, ҳар бир нарсадан қандай бўлмасин бирор асорат, қолдиқ қолади", демоқчи бўлганлар.

*Кўнгулмуз вайрону қоши кўзда, чиндур бу масал,
Ким: "Қолур масжид, агар бузулса меҳроби анинг".* (Лутфий)

Савалаб ёққан ёмғир ёндан ўтар, севалаб ёққан ёмғир жондан ўтар

Бундай деганларига сабаб шуки, савалаб (шиддат билан) ёққан ёмғир узокқа чўзилмай, тезда тугайди. Аммо, севалаб (шивиллаб, майдалаб, симиллаб, "эзиб") ёққан ёмғир ҳадеганда тинмай, ҳамма ёқни ивйтиб, (тупроқ томли) уйлاردан чакка ўтказиб, кийим-кечакнинг чок-чокигача ўтиб, кишини безорижон қилиб юборади. Ёки "Севалаб ёққан ёмғир ёмон, майдалаб ёққан қор ёмон", деган мақол ҳам шу маънода айтилган.

**Ш. ШОМАҚСУДОВ,
"Ҳикматнома"**

Томорқачилик

Янгийул туманининг "Чаманзор" маҳалласида истиқомат қилувчи Гулруҳсор ва Анваржон Алиевлар томорқасининг 17 сотих майдонида қулупнайнинг корея навини етиштиришмоқда.



Қулупнайдан келаётган МИЛЛИОНЛАР

Уч йил аввал қурилган иссиқхона йил сайин кенгайиб бормоқда.

– Асли сурхондарёликмиз, – дейди Анваржон Алиев. – Деҳқончиликнинг сирларини яхши биламан. Картошка, пиёз, сабзи етиштиришни маромига етказиб ўргандим. Тақдир экан, 10 йил аввал шу маҳаллага кўчиб келдик. Бу ерда ҳам деҳқончилик қилиб кам бўлмадик. Қулупнай етиштириш ва унинг даромади ҳақида эшитиб, турмуш ўртоғим номига имтиёзли равишда 33 млн. сўм кредит олдик. Биринчи йили 28 минг туп қулупнай кўчатини эккан

бўлсак, ҳозир 250-300 минг тупга етди. Қулупнай дегани кўп эътибор талаб қилар экан. Вақтида дори-дармони, ўғитини бермасангиз, ҳосилдан умидингизни узаверинг. Айниқса, хориждан келган тури инжиқ бўларкан. Қулупнай гулга кирган вақтда иссиқхонага бегоналар киритилмайди. Акс ҳолда кўчатлар касалланиб, ҳосил ташлайди. Ҳатто ўзимиз ҳам дезинфекциядан ўтиб кирамиз. Хабарингиз бор, бу йил қиш қаттиқ келди. Кўчатларни сақлаб қолиш учун тинимсиз кўмир ёқдик. Ишонсангиз, ҳар бир кўчатни кунда икки-уч мартаба

текшириб чиқдим. Шукр, ҳосилни сақлаб қолдик. Эртанги ҳосилни 300 минг сўмдан сотдик. Ҳозир ҳам қулупнайлар пишиб етилишига қараб, кунда 70-80 кгдан узиб, пойтахт бозорларида 150-200 минг сўмдан сотаямиз.

Анваржоннинг таъкидлашича, август ойдан қулупнай кўчатларини сотишни ҳам йўлга қўймоқчи. Шунингдек, бошқа ҳудудда қулупнайнинг 100 минг туп туркия навини етиштиришмоқда. Айни пайтда иссиқхонада 6 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган.

Нигора УРОЛОВА
Тошкент ҳақиқати/
Муаллиф олган сурат



Светофор қанча туради? Бу – қизиқ!

Кўчага чиқиб йўл ҳаракати иштирокчисига айланар эканмиз, светофорларга тез-тез дуч келаемиз. Айниқса, пойтахтимиз кўчаларида ҳар чорраҳада светофор. Светофор биринчи марта семфор тарзида 1868 йил Лондонда ўрнатилган. Ўзбекистонда илк светофор Тошкент шаҳрининг Сайилгоҳ кўчасида 1940 йилда ўрнатилган.

Светофор ўрнатиш "Йўл ҳаракатини ташкил этиш техник воситалари, қўллаш қоидалари" билан тартибга солинади. Светофор қурилмалари транспорт воситалари ва пёдалар жадаллиги ҳисобга олинган ҳолда ўрнатилади.

Ҳозирги кунда республика йўлларида 3 минг 88 та светофор қурилмаси мавжуд бўлиб, шундан 652 таси Тошкент шаҳрида ўрнатилган.

Бир донга светофорни ўрнатишга қанча маблағ сарфланганини биласизми? Пёдалар светофорига 40 миллион сўм атрофида, катта чорраҳалардаги светофорларга эса 200 миллион сўмгача маблағ сарфланади.

Дунё амалиётида катта шаҳарларда светофорсиз кўчалар ҳам мавжуд. Бу одамларнинг вақтини тежаш, ҳаракат улуксизлигини таъминлаш учун қўлланилади.



"Муваффақият фақат интилувчан одамгагина насиб қилади. Қийин шароитда тушқунликка тушадиганларни эса жуда кам йўқлайди."
Жавоҳарлаъл НЕРУ.

Бошқани билмадим-у, қаламқашга Худо умри фикрлаш учун берган. Қанча кўп яшаган, шунча кўп фикрлаш имконига эгасан.

Бугун бир ошда галати бир ҳодиса юз берди. Эсингиз эси – бор, дейсизми? Бундан 25 йил йил бурун бўлган бир воқеа ёдга тушди.

Ушанда камина Президент девонида хизмат қилар эди. Завқ-шавқ билан ишлар, тез-тез оммавий ахборот воситалари орқали чиқилар эди. Озод Шарофиддиновнинг 70 ёшга тўлишлари муносабати билан Тошкент шаҳри ҳокимияти ошхонасида зиёфат бўлди. Дастурхон атрофида каминадан икки-уч ёш кичикроқ бир нотаниш йигит кўп мулозамат кўрсатди. Чойлар қуйиб турди, нон ушатди, тақсимчага турли егуликлар солиб берди ва ҳоказо. Охири ўзини таништирди.

– Сизнинг ашаддий муҳлисингизман. Сиртдан шоғирдингизман. Ёзганларингизни ўқийман. Телевидение ва радиодаги чиқишларингизни жон қулоқ билан тинглайман. Сиздан услуб ўрганаман, – деди.

Икки йил ўтиб, бир идорада ишлашга тўғри келди. Ҳар ҳолда, камина раҳбар ўринбасардан кетиб, ў бўлим мудири эди. Негадир, аввалги "шоғирд" лигидан асар ҳам қолмагандай эди. Сезмай ўлимманми, раҳбар олдида ўзини менга шоғирд қилиб кўрсатишдан ўлгудек кўрқиб юрди. Нима бўлганда ҳам, давраларда ўринбасардан юқори ўтиргани – йўқ.

Умрининг ўзини ўткинчи бўлганидан кейин мансаб вақтинча бўлмасинми?

Йиллар ўтди. Камина Президент қарори билан амалга оширилган қисқартириш тўғрисида мансабдан кетиб, бошқа ишга ўтган, аммо ҳалиги "шоғирд" лавозимда қолган эди. Тошкентга яқин вилоятлардан биридаги олий таълим муассасаси ўтказган илмий анжуманга бордик. Ректор пойтахтдан маъруза учун келганларни меҳмон қилди. Камина хонага олдинроқ кирибман. Ректор тўрға алоҳида бир стул қўйдирган. Албатта, у ҳалиги "шоғирд"га мўлжалланган. Ка-

мина ва ректор унинг икки қўлида рўпарамар-рўпара ўтирдик.

Хомкалла бўлмай кетай, ичимда: "Ҳозир келиб: "Устоз, Сиз ўтасиз, ноқулай-ку", – деса керак", – деб ўйлабман. Отам тумандаги раҳбар лавозимлардан бирида ишлаганлар. Ота-онамдан, 18 йил Фанлар академияси, 3 йил Ташки ишлар вазирлиги, 3 йил Президент девони, 11 йил Республика Маънавият ва маърифат марказида меҳнат қилиб, ортирган тажрибамдан келиб чиқилса, қаерда қандай ўтириб-туришни яхши билсам керак, деб ўйлайман. Шунинг учун бу тақлифини рад қилишимни кўнглимда пишитиб турган



МАНСАБ ВА МАРТАБА

эдим. Жуда бўлмаса: "Гоҳ – пирдан, гоҳ – муриддан", "Тегиримон – навбати билан", – деган гаплар – бор, бир марта тўрда ўтирсангиз, нима қилибди?" – деб ҳазиллашаман", – деб ҳам ўйлаб қўйдим.

Қаёқда?!

Тантанавор кайфиятда кириб келиб, ректор кўрсатган жойга бемалол, заррача хижолат чекмасдан, мамнуният билан ўтириб олди-ку. Мансаби "устоз" инкикидан юқорида, ахир!

Бугун бундан ҳам бадтари бўлди. Узи ўзбек ошларининг ёзилмаган кўп-кўп қоидалари – бор. Улардан бири шуки, стол бир бошдан тўлдириб борилди. Бунда ёшга қаралмайди. Келган бўш стулга ўтираверди.

Столимиз ҳали тўлмаган, юқорироқда икки ёши етмишларга борган оқсоқол ўтирар эди. Бир маҳал 45 ёшлар чамаси бир йигит келиб қолди. Ҳалиги икки чол ўрнидан туриб, унга ҳоли бўшатишди. Йигит

Устозлар мактаби

ҳам, худди ўша каминанинг "шоғирд" идай, мамнуният билан чолларни босиб, юқорига ўтди. Суриштирсам, чоллар уни яхши танишар, қаердадир каттароқ лавозимда ишлар экан.

Иккита қоида бузилди: биринчиси – ошда ўтириб-туриш қоидага амал қилинмади, иккинчиси – ёшнинг мартабаси мансабдан юқори экани буткул унутилди.

Хотира – ёмон нарса. Ёмонлиги шундаки, компьютерга вирус тушади, унга тушмайди-да.

...Бир гал устозим, атоқли шарқшунос,

филология фанлари доктори, профессор, "Меҳнат шукрати" ордени соҳиби Нажмиддин Комилов бир ошга ҳамма қатори кириб, камтарлик билан тўғри келган столлардан бири атрофига ўтирибдилар. У пайтда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси эдилар. Тўйчи домлани тўйхонанинг тўридаги столга олиш учун одам юборибди.

– Йўқ, – дебдилар устоз, – мен қаерга ўтирган бўлсам, ўша ерни тўр ҳисоблайверинглар!...

Умрини азиз-авлиёлар ҳаётини илман ўрганиб, эл орасида тарғиб қилишга бағишлаган олим шундай бўлади-да.

Аммо орамизда бу буюк ислоний маънавиятдан тамоман беҳабар одам шуңчалар кўпки...

Султонмурод ОЛИМ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI

- "Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:
- Zoyir MIRZAYEV**
(tahrir hay'ati raisi)
- Umrat MIRZAQULOV**
- Hotamjon SAYDAHMEDOV**
- G'afurjon MUHAMEDOV**
- Shavkatjon RAHIMOV**
- Tohir ARIPOV**
- Ravshan RAIMOV**
- Mahmud TOIR**
- Uskenboy ATEMOV**
- Abdulla XURSANOV**
- Mahmudjon BOLTABOYEV**
- Olimjon BEGALIYEV**
- Zarifa ERALIYEVA**
- Sergey MUTIN**
- Bosh muharrir:
G'ayrat SHERALIYEV
- Qabulxona:
(71) 233-64-95
- Bosh muharrir o'rinbosari:
(71) 233-70-10
- Mas'ul kotib:
(71) 233-90-82
- Bo'lim muharrirlari:
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08
- E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(71) 233-54-10
- e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Navbatchi muharrir:
Kumush EGAMBERDIYEVA

Mas'ul kotib:
Alloma AZIZOVA

Navbatchi:
Javlon HALILOV

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.
Bosishga topshirildi - 22.00
Nashr ko'rsatkichi - 205.
Buyurtma G-331.
7 949 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taqoq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzilimiz:
111500, Nurafshon shahri,
Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofsimiz: 100000,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxonasi manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6